

Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлигининг
2023 йил 17 октябрдаги
157-сонли бўйруғига 7-илова

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва тизим
ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати
тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириши тўғрисидаги ҳисобдорликни шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва ривожланиши масалалари бўйича ҳисоботларни (кейинги ўринларда – Ҳисоботлар) шакллантириш ва тақдим этиш учун маъсулият Вазирликнинг Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими (кейинги ўринларда – Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими) ёки масъул ходимлари з иммасида бўлади.

Вазирликнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ҳисоботни тақдим қилиш учун маъсулият ҳудудий ва таркибий бўлинмалардаги коррупцияга қарши Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими учун масъул ходим (кейинги ўринларда – Масъул ходим) з иммасида бўлади.

2-боб. Ҳисобот турлари ва уни тузиш даврийлиги

3. Вазирликда қўйидаги ҳисобот турлари назарда тутилади:

а) Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги, шу жумладан, Вазирликнинг коррупцияга қарши Дастури ёки йўл харитаси тадбирларини амалга оширилишини бўйича ҳисобот ҳар чоракда Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими томонидан мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда тузилади;

б) Коррупцияга қарши курашишга оид давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот ҳар

чоракда Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими томонидан мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда тузилади;

4. Ҳисобот мунтазам равишда ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда, Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатидан, шунингдек, ҳисобот даврида коррупцияга қарши тадбирлар ўтказилган ёки йўқлигидан қатъий назар, тузилади.

5. Йилнинг IB чораги учун ҳисобот тузилмайди, унинг ўрнига йиллик ҳисобот тайёрланади.

6. Ҳар чораклик ва ҳар йиллик ҳисобот Вазирлик раҳбариятига (Вазирлик ҳайъатига) топширилади.

Вазирликнинг марказий аппаратидаги Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойнинг 25-санасидан кечиктирмай ҳар чораклик Вазирликнинг умумий ҳисботини Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга карши курашиш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) кўриб чиқиши учун киритиб боради.

7. Вазирликнинг йиллик ҳисботидаги умумий ахборот Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида эълон қилинади. Мазкур ахборот Вазирликнинг Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими томонидан тайёрланади.

3-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият қўрсатиши тўғрисида ҳисботни шакллантириш тартиби

8. Вазирликда Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлимининг фаолият қўрсатиши тўғрисидаги ҳисббот коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинг ва назорат қилиш, шунингдек, Вазирликнинг коррупцияга қарши Дастур ёки Йўл харитаси тадбирларини амалга оширилишини мониторинг қилиш мақсадида тузилади.

9. Ҳисббот ҳар чорақда Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими томонидан ҳисббот давридан кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай тузилади ва Вазирлик раҳбарига (Вазирлик ҳайъатига) кўриб чиқиши учун топширилади.

10. Ҳисбботни шакллантириш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ҳисббот давридан кейинги ойнинг 2-санасидан кечиктирмай, Вазирликнинг марказий аппаратидаги Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими тузилмаси Масъул ходимларга ушбу ойнинг

10-санасигача тегишли раҳбарлар томонидан тасдиқланган мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ҳисобот тақдим этиши тўғрисида хабарнома юборади;

б) Вазирликнинг марказий аппарати бўлинмаларининг ҳисоботи Вазирликнинг марказий аппаратидаги Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими томонидан тузилади ва Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш юналишига масъул бўлган раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланади;

Коррупцияга қарши курашиш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботнинг бирон-бир бўлими бўйича тадбирлар ўтказилмаган тақдирда, тадбирлар амалга оширилмаганлиги сабабини кўрсатиш лозим.

в) Ҳисоботларга киритилган ахборот тегишли ҳужжатлар нусхалари ва бошқа маълумотларга асосланган бўлиши керак;

г) Вазирликнинг марказий аппаратидаги Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган шаклда Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимнинг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисбботни тузади ҳамда қўшимча равишда унга ушбу Низомга 1-иловадаги шакл бўйича Вазирлик тизими бўйича тузилган ҳисбботдаги маълумотларни киритади.

Ҳисбботда асосий ахборотни ўзида акс эттирган қисқача маълумотнома ва таклифлар бўлиши керак. Йиллик ҳисббот ўз ичига ўтган йилнинг худди шундай кўрсаткичларига эга бўлган солиштирма таҳлилни ҳам қамраб олиши керак.

11. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисбботлар ва Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисбботни тузишда Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими тешишли бўлинма ходимларидан зарур ҳужжатлар, тушунтириш ва статистикани сўраш ва олиш хуқуқига эга.

12. Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими қисқа маълумотнома биректирилган коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисбботини ҳисббот давридан кейинги ойнинг 21-санасигача Вазирлик раҳбарига тақдим этади.

4-боб. Коррупцияга қарши курашга оид давлат дастурларида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш тартиби

13. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот ушбу Низомга З-иловага мувофиқ шаклда тузилади.

14. Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими томонидан Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият қўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисобот билан бир вақтда тузилади.

15. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги ҳисобот раҳбар томонидан кўриб чиқилгандан кейин Агентликка юборилади.

5-боб. Якуний қоидалар

16. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирликнинг ички идоравий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшичалар киритилган тақдирда ушбу Низом қайта кўриб чиқилиши лозим.

Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга Вазирликнинг марказий аппаратдаги Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими масъул бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги
 вазирлиги ва тизим ташкилотларида
 коррупцияга қарши курашиш тизимининг
 холати тўғрисидаги хисоботни
 шакллантириш ва тақдим этиш бўйича
 Низомига 1-илова**

**Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг
 фаолият кўрсатиши тўғрисида хисобот**

Вазирлик номи:	
Хисоботни тайёрлаган ходим (Коррупцияга қарши курашиш учун маъсуллар):	Ф.И.Ш., лавозими, тузилмаси
Хисобот даври:	
Хисобот тайёрланган сана:	

№	Тадбир-лар гурӯҳининг номи	Тадбир-лар номи	Бажариш муддати	Масъул ижрочи-лар	Ижро тўғрисида белги	Ижро этилмаган бўлса, ижро этилиши кутилаётган муддат	Бажарилганликни тасдиқлаш, бажарилмаган бўлса сабаблари

№	Тадбир	Натижалар
I. Сиёсалар ва процедуранар		
1	Ички хужжатларни мослаштириш	Вазирликда хисобот даври учун мослаштирилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича чоралар ёки коррупцияга қарши курашишга оид тартиб-таомилларга эга бўлган ички хужжатларни (сиёсалар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва ҳ.к.) кўрсатиш зарур.
2	Хавф-хатарли вазифа ва тартиб-таомиллар кесимида коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришга	Хисобот даврида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш соҳасига киритилган

	оид янги коррупцияга қарши тартиб-таомиллар ва чоралар ҳамда коррупцияга қарши масалаларни тартибга солувчи ички хужжатларни ишлаб чиқиши.	соҳаларни тартибга солувчи ички хужжатларни (сиёsatлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва ш.к.) кўrsatiш зарур.
--	--	--

II. Шахсий намуна

3	Вазирлик раҳбари ва унинг ўринbosарларининг ички тадбирлардаги чиқишилари (нутқи).	3–6-бандларда Вазирлик тизими раҳбарлари ва уларнинг ўринbosарларининг қонунчилик талабларига риоя қилиш, коррупцияга нисбатан муросасиз бўлиш, таркибий бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларга амал қилишнинг муҳимлиги тўғрисидаги позицияси, фикр мулоҳазалари очиқ эътироф этилган тадбирларни кўrsatiш лозим.
4	Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ички коммуникацияни тарқатиш (Вазирлик раҳбари ва унинг ўринbosарларининг номидан).	
5	Вазирлик раҳбари ва унинг ўринbosарларининг ОАВдаги фикр-мулоҳазалари.	

III. Хавф-хатарларни баҳолаш

6	Вазирлиқда коррупциявий хавф-хатарлар бўйича ҳар йиллик баҳолаш ўтказиши	Ҳа ўтказилган/йўқ ўтказилмаган (сабаблари кўrsatiladi) / жараёнда (қайси босқичдалиги кўrsatiladi)
7	Ҳисобот даври учун Вазирлиқда иш жараёнда янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларнинг даражалари (юқори, ўрта, паст).	Янги коррупциявий хавф-хатарлар қайси жараёнларда аниқланганлиги, уларнинг даражаси санаб ўтилади. Қандай коррупциявий хавф-хатарлар қайта баҳоланди, янги даража, баҳони ўзгартириш сабаблари ва коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича таклифлар. Вазирликнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси илова қилинади.

8	Ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни тартибга солиш бўйича амалга оширилган тадбирлар	
9	Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Қолдиқ таваккал юқори бўлган коррупциявий хавф-хатарларнинг фоиздаги нисбати кўрсатилади
10	Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган коррупциявий хавф-хатарлар умумий сонига фоиздаги нисбатини кўрсатиш зарур.
IV. Коррупцияга қарши амалга ошириладиган тартиб-таомиллар		
11	Вазирликда аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ва қабул қилинган чоралар	Вазирликда аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг сонини кўрсатиш ёки аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари реестрини илова қилиш зарур.
12	Ходимлар томонидан ҳар йили манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш.	Ҳар йиллик манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг Вазирликдаги умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур. Ҳар йили манфаатлар тўқнашуви декларациясини амалга ошириши шарт бўлган манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг Вазирликдаги умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур.
13	Ишга олинган ходимлар ва номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони.	Вазирликга ишга қабул қилинган ходимлар сонини ва Вазирликдаги лавозимга номзодлар текшируви сонини кўрсатиш зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур.
14	Ҳисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сони	Ҳисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сонини, текширувлар натижалари бўйича ижобий ва салбий хуносаларнинг фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур.

		Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур.
15	Амалга ошириладиган бошқа коррупцияга қарши тартиб-таомиллар	Мавжуд бўлганда ушбу бўлимда кўрсатилмаган бошқа амалга ошириладиган коррупцияга қарши тадбирларни кўрсатиш.

В. Таълим ва коммуникация

16	Коррупцияга қарши қурашиш масалалари бўйича тренинглар ўтказиш: барча ходимлар учун; коррупциявий таваккалчиликка энг кўпроқ мойиллик эҳтимоли бўлган вазифаларни бажарувчи бўлинмалар учун.	Тренинглар тури ва шакли, ўқитилган ходимлар сони, уларнинг лавозимлари даражаси ва бўлинмаларни кўрсатиш.
17	Вазирликга яқинда ишга олинган ходимлар учун тренинглар ўтказиш.	Коррупцияга қарши қурашиш масалалари бўйича тренинглардан (умумий, танишув) ўтган янги ходимларни умумий янги ходимлар сонига фоизлардаги нисбати тренинглар мавзуси кесимида кўрсатиш.
18	Ходимларнинг коррупцияга қарши қонунчиллик талаблари ва бўлинмада амалга оширилаётган коррупцияга қарши чоралардан хабардорлигини оширишга оид бошқа тадбирлар	Тадбир иштирокчиларнинг мақсадли грухини, уларни сони (имкони бўлса), мавзуси ва турини (масалан, танловлар, викториналар, сўровномалар ва бошқ. кўрсатилади) ва унинг якунларини кўрсатиш.
19	Коррупцияга қарши қураш учун маъсуллар томонидан бажарилган коррупцияга қарши қураш меъёрлари мавзусида ахборот-тарқатма материаллари.	Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга амал қилиш зарурияти тўғрисидаги, шу жумладан, уларнинг тўғри талқин қилиниши ва уларга тўғри амал қилиш тўғрисидаги хабарнома ва бошқа тарқатма материаллар.
20	Ходимларнининг одоб-ахлоқ маданиятини шакллантириш, уларни коррупцияга қарши қураш тизими ва коррупцияга қарши қонунчиликнинг талаблари хақида хабардор қилишнинг бошқа усуллари.	Масалан, бинолардаги ахборот плакатлари ва бошқа материаллар, скринсваерлар, ишчи компьютерлар экранига қўйиладиган суратлар ва бошқалар.

21	Фуқаролик жамияти ва бўлинма контрагентлари учун коррупцияга қарши тадбирларни ўтказиш	Фуқаролик жамияти вакиллари учун коррупцияга қарши тадбирларни ўтказишнинг сони, номланиши, моҳияти ва натижаларини кўрсатиш (масалан, коррупцияга қарши кураш куни, коррупцияга қарши мавзудаги ишлар танлови). Шартномаларига коррупцияга қарши кўгшимча шартлар киритилган янги контрагентларнинг янги котрагентларнинг умумий сонига фоизлардаги нисбати.
----	--	--

**VI. Коррупциявий хатти-ҳаракалар ва қоидабузарликлар тўғрисидаги
хабарлар. Таъсир чоралари**

22	Хатти-ҳаракатлар, шу жумладан, потенциал хатти-ҳаракатлар учун алоқа каналларига келиб тушган хабарлар сони	Хабарлар сонини қуидаги маълумотларни ҳам киритган ҳолда кўрсатиш: келиб тушган санаси келиб тушган алоқа канали, хабар мавзуси, тегишли ҳисботни илова қилиш.
23	Хизмат текшируви ўтказилган; Коррупцияга қарши қонунчилик бузилганлиги тўғрисида тасдиқланган ҳолатлар (шу жумладан, меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар ва мақолалар кесимида) аниқланган; Бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланган (шу жумладан, ички ҳужжатлар кесимида); Айборлар аниқланган ҳолатлар сони.	Ҳар бир банд бўйича ҳолатлар сонини кўрсатиш.
24	Қабул қилинган таъсир чоралари.	Қандай коррекциялаш чоралари, шу жумладан, интизомий чоралар, Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлимида қандай камчиликлар аниқланди ва назоратни кучайтириш учун қандай чоралар

		таклиф қилинди.
ВІІ. Мониторинг ва назорат		
25	Хисобот даврида мавжуд коррупцияга қарши курашиш талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бажарилиши устидан текширувлар ўтказилганлиги	<p>Вазирликда коррупцияга қарши кураш бўйича масъуллар томонидан ўтказилган текширув тадбирларини, шу жумладан, уларнинг сонини қуидаги кесимда кўрсатиш</p> <p>Текширув обьектлари (бошқарма, бўлим);</p> <p>Текширув мавзуси (масадан, харидлар, кадрлар);</p> <p>Текширув тадбирлари тури (аудит, таваккал транзаксиялари мониторинги ёки процедуралари ва бошқ.);</p> <p>Текширув тадбирлари характеристи (режали, режадан ташқари).</p>
26	Бўлинмада белгиланган назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бузилиш ҳолатлари аниқланганми ва уларга нисбатан қўлланилган таъсир чоралари?	<p>Қайси тартиб-таомил ёки вазифани бажаришда қандай қоидабузарликлар аниқланган? Аниқланган ҳолатлар сонини кўрсатиш.</p> <p>Вазифа ва тартиб-таомилларни бажарувчи шахслар учун қандай тавсиялар тайёрланган. Улар қандай расмийлаштирилган (масалан, буйруқ ёки бошқа ички хужжатлар)?</p>

Хуносалар: Худудий ва таркибий бўлинмаларда коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижаларини кўрсатиш, коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатига умумий баҳо бериш, зарурият туғилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан таққослама таҳлил ўтказиш, қониқарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини кўрсатиш зарур.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва коррекцияловчи тадбирлар режаси: келгуси хисобот даврида ҳисобдорликнинг алоҳида элементларини яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирларни кўрсатиш зарур.

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги
вазирлиги ва тизим ташкилотларида
коррупцияга қарши курашиш тизимининг
холати тўғрисидаги ҳисоботни
шакллантириш ва тақдим этиш бўйича
Низомига 2-илова**

**Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши
тўғрисида 20__ йил __чорак учун
УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

**I. Вазирликнинг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури
бажарилгани тўғрисида умумий ахборот¹**

Вазирлик томонидан коррупцияга қарши курашиш тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги қисқа маълумот, шу жумладан марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида коррупцияга қарши курашиш тадбирларини амалга оширган бўлинмалар сонини кўрсатиш зарур;

Худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Коррупцияга қарши курашиш тадбирларни амалга оширмаган бўлинмалар кўрсатилади, шунингдек, ҳисботга иловада уларнинг номи, амалга оширилмаган тадбирлар ва қисқача-асосий сабабларини алоҳида кўрсатиш лозим.

II. Сиёsat ва тартиб-таомиллар

Коррупцияга қарши курашиш бўйича соҳаларни тартибга солувчи, ва ҳисбот даврида марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида татбиқ этилган коррупцияга қарши соҳасига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ва ички хужжатлар (сиёsatлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва шу кабилар)ни кўрсатиш лозим.

III. Хавф-хатарларни баҳолаш²

Вазирлик томонидан хавф-хатарларни баҳолаш амалга оширилганлиги тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширган ва ўзларининг коррупциявий хавф-хатарлар матритсасини

¹ Ушбу бўлимда ва кейинги ўринларда ҳисботнинг ҳар бир бўлими бўйича қўйидагиларни кўрсатиш керак:

- Бирлашган қўринишида марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида ҳисбот даври учун маълумотлар. Агар зарурят бўлса, алоҳида бўлинмалар ва улар бўйича маълумотларни кўрсатиш;
- Зарурят туғилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан солишишим таҳлил ўтказиш, қониқарли натижаларга эришганлик\эришмаганлик сабабларини кўрсатиш лозим.

² Бўлим факат ҳар йиллик ҳисбот даврида тўлдирилади. Мазкур бўлимда Ташкилот тизимида коррупциявий хавф-хатарни баҳолашни ўтказиш услубиётига мувофиқ амалга оширилган хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий ахборот акс эттирилади.

янгилаган марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатиш керак;

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширган худудий ва таркибий бўлинмалари сони вилоятлар, Вазирликнинг худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади, шунингдек, ҳисоботга иловада уларнинг номи ва уларнинг бажарилмаганлиги сабаблари қисқача кўрсатилади;

Баҳолаш жараёнида янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади. Шунингдек, ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш бўйича таклиф этилган ва амалга оширилган тадбирлар қайд этилади;

Коррупциявий хавф-хатарларнинг тоифалар бўйича нисбати (юқори, ўрта, паст) худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади;

Худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Вазирлик учун юқори бўлган қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар, шунингдек, кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш учун таклиф этилаётган тадбирларни кўрсатиш лозим (мавжуд бўлган тақдирда).

IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши қурашиш тартиб-таомиллар

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиши

Манфаатлар тўқнашуви декларацияланган ва тартибга солинган ҳолатлари сони, шу жумладан, ишга қабул қилиш, ҳар йиллик декларациялаш жараёнида³ (мавжуд бўлган тақдирда), марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатилади;

Вазирликда манфаатлар тўқнашувини марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида манфаатлар тўқнашувининг йиллик декларацияси тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбати, шунингдек, декларацияланган ва тартибга солинган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари қайд этилади;

Вазирлик бўйича режалаштирилган манфаатлар тўқнашувининг ҳар йиллик декларацияланадиган манфаатлар тўқнашувига нисбатан кўрсаткичлари бажарилмаган худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида таҳлилий маълумотларни келтириш керак (масалан, манфаатлар тўқнашувини барча

³ Манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш ҳисобот даврида бажарилган бўлсагина ахборот тўлдирилади.

раҳбарлар декларациялаши лозим, амалда эса факат 50 фоизгина раҳбар буни бажарган);⁴

Худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида Вазирлик тизимида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ва қабул қилинган чоралар бўйича, шу жумладан, умумий сони ва тоифалар кесимида (*масалан, харид процедуралари даги, иши бўйича бевосита бўйсунни натижасида ва шу кабиларда*) таҳлилий маълумотларни келтириш лозим.

Коррупцияга қарши қоидаларни Вазирлик шартномаларига киритиш

Коррупцияга қарши қоидаларни Вазирликнинг хўжалик шартномаларига (шартномаларнинг фоизли нисбати) киритиш бўйича, шу жумладан марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида контрагентлар таҳририда таҳлилий маълумотларни келтириш, контрагентларнинг коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритишни рад этиш сабабларини қўрсатиш;

Марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида Вазирлик тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши сабабли шартномаларни бекор қилиш бўйича таҳлилий маълумотларни қўрсатиш.

Контрагентларни текшириш

Ҳисобот даврида контрагентлар бўйича ўтказилган текширувлар сони, ижобий ва салбий хулосаларнинг фоизлардаги нисбати марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида қўрсатилади.

Ишга номзодларни текшириш

Марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида Вазирлик тизимида ишга кириш учун номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сонини қўрсатилади.

V. Таълим ва коммуникация

Вазирликда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишининг натижаларини марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида: ўқитилган ходимларнинг фоиздаги нисбати, таълим шакли (бевосита/онлайн) қўрсатилади;

Марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида Вазирлик тизими бўйича ўқитиши даражаси паст бўлган коррупцияга қарши кўнималарга оид ахборот қўрсатилади (режалаштирилган кўрсаткичларга таққосланган ҳолда);

Вазирликда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича коммуникация турлари ва сонини худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида (масалан,

⁴ Ахборот факат йиллик ҳисоботда тўлдирилади.

тарқатмалар, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича сўровномалар ўтказиш) кўрсатилади;

Бўлимда шунингдек, Вазирлик тизимида ўтказилган кенг кўламли алоҳида тадбирларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

VI. Коррупциявий хатти-харакатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар

Ҳисобот даврида ходимларнинг коррупциявий хатти-харакатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисидаги алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади;

Мансаб вазифалари ва тартиб-таомиллар кесимида олинган таҳлилий маълумотлар (масалан, харидлар жараёнида, кадрларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ тартиб-таомилларда) келтирилади;

Олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар қоидабузарликлар кесимида келтирилади (масалан, коррупциявий хатти-харакатлар, манфаатлар тўқнашуви, келишув тартиб-таомилларини процедураларини бузиш ва бошқалар);

Олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар алоқа каналлари кесимида келтирилади (масалан, ишонч телефони, бевосита хабар бериш ва бошқалар).

VII. Мониторинг ва назорат⁵

Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида ҳисобот даврида Вазирлик тизими томонидан мавжуд коррупцияга қарши талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомилларнинг бажарилгани тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар келтирилади, шу жумладан, текширувлар ўтказилган Вазирликлар сони, шунингдек, текширув ўтказилган вазифалар ва тартиб-таомилларининг даврийлиги ва характеристи тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар (режадаги, режадан ташқари) кўрсатилади;

Ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида текширувлар ўтказилмаган бўлинмалар сони алоҳида кўрсатилади, иловада уларнинг номи ҳамда текширувлар ўтказилмаганлигининг асосий сабаблари қисчача қайд этилади;

Ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисидаги умумий ахборот кўрсатилади шу жумладан, ижобий ва салбий хуносаларнинг фоизлардаги нисбати

⁵ Ташкилотда ҳисобот даврида Коррупцияга қарши процедураларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш методикасига мувофиқ ўтказилган тадбирлар якунлари бўйча умумий таҳлилий ахборот акс этирилади.

қайд этилади. Қоидабузарликлар мавжуд бўлса, мазкур ҳисоботнинг VIII-бўлимига ҳавола берилади.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

Вазирликда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги талабларнинг бузилганлиги тўғрисида марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида таҳлилий маълумотларни кўрсатилади, шу жумладан:

қоидабузарликларнинг умумий сони;

қоидабузарликларнинг қоидабузарликлар тўғрисидаги ахборот манбалари бўйича тузилмаси (“ишонч телефони”, бевосита хабар бериш, мониторинг ва назорат натижалари ва бошқалар);

Вазирлик ички ҳужжатларида назарда тутилган вазифалар ва тартиби-таомиллар бўйича (харидлар, кадрларга оид масалалар ва бошқ.) қоидабузарликлар тузилмаси;

Вазирликда қабул қилинган таъсир чоралари тўғрисида таҳлилий маълумотларни ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатиш, шу жумладан:

ўтказилган умумий тадбирлар сони ва аниқланган барча қоидабузарликлар бўйича таъсир чоралар кўрилганлиги ёки кўрилмаганлиги;

таъсир чоралари турлари бўйича таҳлилий маълумотлар (айборларни жавобгарликка тортиш, шу жумладан, жавобгарлик турлари кесимида; Вазирлик тизими жараён ва ички ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ва бошқалар), шу жумладан, зарур бўлган ҳолда қоидабузарликка йўл қўймаслик бўйича қандай тадбирларни татбиқ этиш таклиф этилмоқда ва ҳисбот даврида қандай тадбирлар татбиқ этилганлиги кўрсатилади.

IX. Хulosalar

Вазирлик тизимида ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижалари кўрсатилади, коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатига умумий баҳо берилади. Заруриятга кўра аввалги даврлардаги кўрсаткичлар билан таққослама таҳлил ўтказилади, қониқарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини қайд этилади.

X. Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

Кейинги ҳисобот даврида Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг алоҳида кўрсаткичларни марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирлар кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши қурашиш тизимиининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низомига З-илова

Коррупцияга қарши курашиш бүйича давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш түғрисидаги ХИСОБОТ